

РУЗИМОВА Нигина Мухамедовна,  
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси  
декан ўринбосари  
niginaruzimova@35gmail.com

## ТАШҚИ МИГРАЦИЯ ШАРОИТИДА ОИЛАВИЙ КАДРИЯТЛАР ДЕФОРМАЦИЯСИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР

## СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ ДЕФОРМАЦИЮ И УСТОЙЧИВОСТЬ СЕМЕЙНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В УСЛОВИЯХ ВНЕШНЕЙ МИГРАЦИИ

## SOCIAL FACTORS DETERMINING THE DEFORMATION AND STABILITY OF FAMILY VALUES IN THE CONTEXT OF EXTERNAL MIGRATION

**Аннотация.** Ушбу мақолада глобаллашув ва ташқи миграция жараёнларининг замонавий оила институтига таъсири социологик жиҳатдан таҳлил қилинади. Тадқиқотда миграция шароитида оилавий кадриятларнинг деформацияга учраши (ўзгариши) ва шу билан бирга, оила барқарорлигини сақлаб қолувчи асосий ижтимоий омиллар ёритилган. Муаллиф томонидан мигрант оилаларида эр-хотин ўртасидаги масофавий муносабатлар, фарзанд тарбиясидаги бўшлиқлар ва ижтимоий назоратнинг сусайиши каби омилларнинг салбий ҳамда ижобий жиҳатлари очиқ берилган. Мақола сўнггида оилавий кадриятлар барқарорлигини таъминлаш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ташқи миграция, оилавий кадриятлар, деформация, ижтимоий омиллар, барқарорлик, трансформация, ижтимоий назорат, масофавий мулоқот.

**Аннотация.** В данной статье с социологической точки зрения анализируется влияние процессов глобализации и внешней миграции на современный институт семьи. В исследовании освещаются процессы деформации (изменения) семейных ценностей в условиях миграции, а также основные социальные факторы, способствующие сохранению

стабильности семьи. Автором раскрыты как отрицательные, так и положительные аспекты таких факторов, как дистанционные отношения между супругами в семьях мигрантов, пробелы в воспитании детей и ослабление социального контроля. В завершение статьи выдвинуты научно-практические предложения по обеспечению устойчивости семейных ценностей.

**Ключевые слова:** внешняя миграция, семейные ценности, деформация, социальные факторы, устойчивость, трансформация, социальный контроль, дистанционное общение.

**Abstract.** This article provides a sociological analysis of the impact of globalization and external migration processes on the modern institution of the family. The study highlights the deformation (transformation) of family values under migration conditions, while simultaneously identifying the key social factors that preserve family stability. The author explores both the negative and positive aspects of factors such as long-distance relationships between spouses in migrant families, gaps in child-rearing, and the weakening of social control. The article concludes with scientific and practical recommendations for ensuring the sustainability of family values.

**Keywords:** external migration, family values, deformation, social factors, stability, transformation, social control, remote communication.

## КИРИШ

XXI асрда глобаллашув жараёнлари, иқтисодий тенгсизлик ва сиёсий беқарорлик каби омиллар натижасида ташқи миграция инсон ҳаётига кенг кўламли таъсир кўрсатаётган асосий ижтимоий жараёнлардан бирига айланди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2023 йилда халқаро мигрантлар сони 281 миллион кишига етган бўлиб, бу дунё аҳолисининг қарийб 3,6 фоизини ташкил этади. Замонавий социологияда миграция нафақат меҳнат ресурсларининг ҳудудий ҳаракати, балки шахсининг маънавий дунёси ва ижтимоий роллар тизимини қайта шакллантирувчи объектив зарурият сифатида талқин этилади. Ўзбекистон шароитида ҳам миграция муҳим ижтимоий масала бўлиб, 2022 йил ҳолатига кўра хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар сони 2 миллиондан ошганлиги ушбу жараённинг жамият ҳаётидаги нақадар юқори салмоққа эга эканини кўрсатади.

Оила ҳар қандай давлат учун жамият барқарорлигини белгиловчи стратегик устун

ва маданий меросни авлодларга етказувчи энг муҳим институт ҳисобланади. Бироқ, ташқи миграция жараёнлари жамиятнинг ушбу асосий бўғинига икки ёқлама таъсир кўрсатмоқда. Бир томондан, миграция пул ўтказмалари орқали оилаларнинг моддий фаровонлигини ошириб, таълим ва соғлиқни сақлаш имкониятларини яхшиласа, иккинчи томондан, оилавий барқарорликка жиддий хавф туғдирмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, узок муддатли миграция оилавий бирликни заифлаштириб, “масофавий оила” феноменининг юзага келишига, гендер ролларининг деформациясига ва фарзандлар тарбиясида “ижтимоий етимлик” каби маънавий бўшлиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, анъанавий оилавий кадриятларнинг (меҳр-оқибат, ота-онага ҳурмат) индивидуалистик ва материалистик қарашлар билан алмашилиши жамиятда янги ижтимоий парадигмаларнинг шаклланишини тезлаштирмоқда.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий ташқи миграция жараёнлари анъанавий оила моделининг нафақат тузилмавий, балки функционал негизларига ҳам тубдан таъсир кўрсатмоқда. Илгари Марказий Осиё жамиятлари, хусусан, Ўзбекистон учун хос бўлган ва оила бошлиғининг мутлақ етакчилигига таянган патриархал муносабатлар тизими бугунги кунда миграция таъсирида демократик ёки айрим ҳолларда дезорганизациялашган шаклларга ўтмоқда. 800 нафар респондент иштирокида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, сўровда қатнашганларнинг 47,5 фоизи оилавий садоқат, ота-онага бўлган ҳурмат ва умуман оила тушунчасининг ички мазмун-моҳиятида сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини қайд этган. Хорижий мамлакатларда узок муддат истиқомат қилаётган мигрантлар ҳаёт тарзида индивидуалликка интилиш ва шахсий манфаатларни жамоавий (оилавий) манфаатлардан устун қўйиш ҳолатларининг кучайиши кузатилмоқда. Бу жараён анъанавий коллективизм маданиятига зид келиб, оилавий кадриятларнинг деформациясига сабаб бўлувчи асосий омил сифатида намоён бўлмоқда [11].

Миграция натижасида оиладаги гендер ролларининг қайта тақсимланиши бугунги

куннинг энг долзарб ижтимоий масалаларидан бирига айланди. Тадқиқот маълумотларига кўра, респондентларнинг 39,8 фоизи аёллар турмуш ўртоғининг йўқлиги сабабли оилани бошқариш, фарзандлар тарбияси ва ҳатто рўзғорнинг моддий таъминоти каби анъанавий “эркаклик” вазифаларини ҳам ўз зиммасига олишга мажбур бўлаётганини таъкидлаган. Ушбу ҳолат бир томондан мустақил қарор қабул қилувчи ва фаол аёллар қатламининг шаклланишига замин яратса-да, иккинчи томондан уларга юкланаётган ортиқча руҳий ва ижтимоий босимлар муҳитни кескинлаштирмоқда. Шу билан бирга, мигрант эркаларнинг хорижда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши ва янги маданий муҳитга мослашиши уларнинг ўз оиласи олдидаги анъанавий масъулиятларини қайта баҳолашига ёки баъзи ҳолатларда “сохта никоҳлар” туфайли ватандаги оиласидан бутунлай узоқлашишига замин яратмоқда [7].

Узоқ давом этувчи миграция жараёнлари натижасида социумда “масофавий оила” ёки “трансмиллий оила” феномени юзага келди. Бундай оилаларда аъзолар жисмонан турли мамлакатларда бўлса-да, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ягона бирликни сақлашга интиладилар. Бироқ, амалиётда бундай шароитда оила ичидаги ҳиссий яқинлик даражаси сезиларли даражада пасайиши кузатилмоқда. Социологик таҳлиллар респондентларнинг 58,7 фоизи турмуш ўртоғи билан ўртадаги ҳиссий масофа кенгайганини ва мулоқотлар асосан моддий-молиявий мавзулар билан чекланиб қолганлигини тасдиқлайди. Социологияда “руҳий ажралиш” деб аталувчи ушбу феномен оиланинг ички мувозанатини бузувчи хавфли омилга айланмоқда. Айниқса, оила бошлиғининг йўқлиги оқибатида юзага келаётган “ижтимоий етимлик” ва ҳиссий бўшлиқлар (64,3% ҳолатда) анъанавий оилавий кадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтиш тизимини хавф остида қолдирмоқда [8].

Ташқи миграция жараёни оилавий муносабатларга фақат деформацияловчи таъсир кўрсатиб қолмай, балки муайян шароитларда оила барқарорлигини таъминловчи янги ижтимоий механизмларни ҳам юзага келтиради. Иқтисодий зарурият миграциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, оила барқарорлигида икки ёқлама рол ўйнайди: тадқиқотларимизда аниқланганидек, респондентларнинг 72,1 фоизи хориждан

келаётган пул ўтказмалари туфайли оиланинг иқтисодий аҳволи яхшиланганини алоҳида эътироф этган [11]. Моддий маблағларнинг ортиши фарзандларнинг сифатли таълим олиши, уй-жой шароитларини яхшилаш ва замонавий тиббий хизматлардан фойдаланишда янги имкониятлар яратиши баробарида, оиланинг умумий иқтисодий мақсадлар атрофида бирлашиши ички жипсликни маълум даражада сақлаб туради. Шунга қарамай, моддий таъминот ҳиссий бўшлиқни тўлиқ қоплай олмайди ва интервьюларда “пул кўп бўлди, лекин бахт камайди” қабилидаги фикрлар тез-тез такрорланади [10].

Замонавий ахборот технологиялари эса “масофавий оила”ларда мулоқотни сақлаб қолишнинг энг муҳим воситасига айланди; ижтимоий тармоқлар ва видеоалоқа воситалари мигрантларга ўз оилаларининг кундалик ҳаётида масофадан туриб иштирок этиш ва муҳим қарорларни биргаликда муҳокама қилиш имконини беради. Бу борада ўтказилган сўровномаларда мигрантларнинг 72 фоизи ижтимоий тармоқлар орқали олинган маълумотлар ва муваффақият ҳикоялари уларнинг миграцион стратегияларига бевосита таъсир кўрсатишини билдирган. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан диний ва миллий қадриятлар миграциянинг салбий оқибатларига қарши ўзига хос “ҳимоя механизми” вазифасини ўтайди. Олиб борилган сўровномаларимизда ўзбек ёшлари учун “ота-онага ҳурмат” (85,3%) ва “эр-хотин ўртасидаги садоқат” (73,6%) ҳануз энг юқори қадриятлар бўлиб қолаётгани аниқланган бўлиб, бу Ислом дини таълимотидаги оиланинг муқаддаслиги ва масъулият тушунчалари билан уйғунлашиб, оила аъзолари ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни мустаҳкамлайди [12].

Оила барқарорлиги, шунингдек, Ўзбекистонга хос бўлган маҳалла институти ва кенг қариндош-уруғчилик тармоғининг ижтимоий назорати ҳамда маънавий кўмагига ҳам таянади. У.Жаббаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг қайд этишича, оиладаги анъанавий ролларнинг трансформацияси жараёнида ташқи қўллаб-қувватлаш тизими муҳим аҳамият касб этади [7]. Давлат томонидан қабул қилинган “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаби ҳуқуқий ҳужжатлар мигрант оилаларини

ижтимоий ҳимоя қилишнинг институционал асосини яратиб, уларни жамиятга қайта интеграция қилиш ва иқтисодий фаоллигини ошириш орқали оилаларнинг узок муддатли барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ташқи миграция жараёни оиланинг нафақат бугунги ҳолатига, балки келажак авлодларнинг дунёқараши ва қадриятлар тизимига ҳам фундаментал таъсир кўрсатади. Фарзандлар тарбияси ва уларнинг ижтимоийлашуви масаласи миграциянинг энг нозик ва стратегик жиҳати бўлиб, олимлар тадқиқотларида бу жараённинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида қайд этилган. Хорижда яшаётган ёки ота-онаси миграцияда бўлган ёшлар орасида анъанавий коллектив қадриятлардан кўра шахсий эркинлик ва мустақил қарор қабул қилишга интилишнинг кучайиши индивидуалликнинг ортишидан далолат беради. Шу билан бирга, мигрантларнинг фарзандларида она тили ва миллий ўзликдан бегоналашиш натижасида “маданий бўшлиқ” юзага келиши мумкин. Тадқиқот натижаларига кўра, респондентларнинг 47,5 фоизи миграция таъсирида анъанавий оилавий қадриятларга муносабат ўзгараётганини ва муваффақият тушунчаси кўпроқ моддий фаровонлик билан ўлчанаётганини таъкидлаган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар таъсирида ёшлар онгида миграция ҳақида “идеал тасаввурлар” шаклланиб, бу уларнинг ўз ватанидаги реал имкониятларини паст баҳолашига олиб келмоқда [10].

Ота-онаси тирик бўла туриб, уларнинг тарбияси ва меҳридан маҳрум ҳолда улғаяётган болалар орасида “ижтимоий етимлик” феномени хавфи кучаймоқда. Ўтказган сўровномаларимизда қатнашганларнинг 64,3 фоизи отанинг йўқлиги сабабли болалар тарбияси ва интизомида салбий ўзгаришлар бўлаётганини билдирган [12]. Ота-она меҳрининг етишмаслиги болаларда руҳий тушқўнлик, ижтимоий изоляция ва ўз-ўзига ишонч пасайиши қаби психологик оқибатларга сабаб бўлади. Ушбу муаммоларни бартараф этишда виртуал мулоқот орқали ота ёки онанинг бола таълим жараёнида масофадан фаол иштирок этишини таъминлаш муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, мигрант фарзандларига мактаб ва маҳалла томонидан алоҳида психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш тизимини кучайтириш ҳамда бола онгига

ота-онанинг меҳнати оила фаровонлиги учун эканлигини тўғри тушунтириш зарур. Давлат томонидан мигрант оилалари фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг сифатли таълим олиши учун қўшимча имтиёзлар жорий этилиши авлодлар давомийлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Хулоса қилиб айтганда, миграция шароитида авлодлар давомийлигини таъминлаш нафақат иқтисодий кўмакка, балки фарзандларнинг руҳий ва маънавий тарбиясига қаратилган комплекс ижтимоий сиёсатни талаб қилади.

Социологияда ташқи миграциянинг оилага таъсирини тадқиқ этишда “трансформация” ва “деформация” терминларини ўзаро фарқлаш илмий мантиқ нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнларни фақат бирёқлама — салбий ёки фақат табиий деб баҳолаш тадқиқотнинг илмий ҳолислигига путур етказиши мумкин. Бизнинг ёндашувимизга кўра, оилавий кадриятлар трансформацияси оила институтининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга, глобаллашув ва рақамли жамият талабларига мослашишини ифодалайди. Бунда оила ўз функцияларини бутунлай йўқотмасдан, балки уларни замон руҳига мос равишда янгилан боради. Жумладан, аънавий авторитар-патриархал моделдан демократик муносабатларга ўтиш ҳамда оилада аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигининг ошиши (39,8% ҳолатда) айнан трансформация натижаси сифатида баҳоланади. Натижада оилавий муносабатлар сифат жиҳатидан янгиланади ва “трансмилий оила” шаклида бўлса-да, ўз ҳаётийлигини сақлаб қолади [11].

Бунга қарама-қарши равишда, оилавий кадриятлар деформацияси оиланинг ички тузилмаси, ахлоқий-маънавий негизлари ва асосий функцияларининг миграция ҳамда масофа таъсирида салбий томонга ўзгаришини англатади. Бу жараёнда кадриятлар тизимида “узилиш” ёки “бўшлиқ” юзага келиб, институтнинг инқирозига замин яратади. Ота-она ва фарзанд ўртасидаги ҳиссий алоқаларнинг сусайиши (58,7% ҳолатда), “ижтимоий етимлик” феноменининг кучайиши (64,3% ҳолатда) ҳамда садоқат ва масъулият каби ахлоқий меъёрлардан воз кечиш деформациянинг яққол кўринишларидир. Бунинг оқибатида оилавий барқарорлик йўқолади, ажримлар сони ортиб, ҳар 7-8 никоҳдан бири барбод бўлади ва авлодлар давомийлиги хавф остида қолади.

### Таққослаш жадвали

| Мезон                       | Трансфор-<br>мация                          | Деформация                                       |
|-----------------------------|---------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| Жараён<br>йўналиши          | Эволюциявий,<br>мослашувчан                 | Инқирозли,<br>бузилишга мойил                    |
| Ижтимоий<br>натижа          | Янги оила<br>моделларининг<br>шаклланиши    | Оилавий<br>муносабатларнинг<br>заифлашуви        |
| Қад-<br>риятлар<br>ҳолати   | Бойитилади<br>ёки қайта<br>форматланади     | Йўқотилади ёки<br>сохталаштирилади               |
| Мигра-<br>циядаги<br>мисоли | Рақамли<br>мулоқот орқали<br>алоқани сақлаш | “Масофавий<br>оила”да ҳиссий<br>узилиш ва хиёнат |

Таққослаш жадвалига асосланиб айтадиган бўлсак, трансформация жараёни эволюциявий ва мослашувчан йўналишга эга бўлиб, янги оила моделларининг шаклланишига, кадриятларнинг қайта форматланишига ва рақамли мулоқот орқали алоқаларнинг сақланишига хизмат қилади. Деформация эса инқирозли ва бузилишга мойил бўлиб, муносабатларнинг заифлашуви, кадриятларнинг йўқотилишига ҳамда “масофавий оила”да ҳиссий узилиш ва хиёнат ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Хулоса қилиб айтганда, миграция таъсиридаги ўзгаришларни фақат “деформация” деб эмас, балки оиланинг замонавий шароитда омон қолишга интилаётган “трансформацияси” сифатида ҳам таҳлил қилиш муаммога нисбатан конструктив ижтимоий ечимлар таклиф қилиш имконини беради.

### ХУЛОСА

Ташқи миграция жараёнларининг оилавий кадриятлар барқарорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган социологик таҳлиллар натижасида бир қатор тизимли хулосаларга келинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, миграция таъсирида аънавий оилавий кадриятлар деформацияга учрамоқда, хусусан, жамиятда индивидуаллик ва моддий манфаатдорликнинг ўсиши кузатилмоқда. Эркалар миграцияси натижасида аёллар зиммасига оила бошқаруви ва моддий таъминот каби қўшимча масъулиятлар юкланиб, аънавий гендер роллари трансформацияга учрамоқда. Узоқ муддатли миграция “масофавий оила”ларда руҳий ажралиш феноменини келтириб чиқариб, эр-хотин ва ота-бола

ўртасидаги ҳиссий алоқаларнинг сусайишига сабаб бўлмоқда. Болалар тарбиясида ота ёки она иштирокининг камайиши фарзандларнинг ижтимоийлашуви ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу ҳолат респондентларнинг 64,3 фоизда қайд этилган. Моддий фаровонликнинг ошиши (72,1%) оила иктисодий ҳолатини яхшиласа-да, маънавий ва ҳиссий барқарорлик учун диний-миллий қадриятлар ҳамда рақамли коммуникация асосий таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Миграция шароитида оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий сиёсат йўналишида мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишнинг институционал механизмларини, жумладан, маҳалла ва давлат идоралари ҳамкорлигини кенгайтириш зарур. Хориждан қайтган мигрантларни жамиятга самарали мослаштириш учун уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мигрант оилалари учун масофавий психологик консултация ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи рақамли платформаларни ривожлантириш тавсия этилади.

Педагогик ёндашувлар доирасида таълим тизими ва ОАВ орқали ёшлар онгида оиланинг муқаддаслиги ва ота-оналик масъулияти ҳақидаги миллий қадриятларни замонавий усулларда тарғиб қилиш лозим. Мигрант оилаларида масофадан туриб фарзанд тарбиясини ташкил этиш бўйича ота-оналарнинг педагогик ва рақамли кўникмаларини ошириш, шунингдек, ота-онаси миграцияда бўлган болаларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ташкил этишда маҳалла ва мактабнинг ўзaro ижтимоий шериклигини кучайтириш долзарб вазифадир. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши глобал миграция жараёнлари шароитида миллий оилавий қадриятларни сақлаб қолиш ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сон “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 октябрдаги ПҚ-367-сон “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 октябрдаги ПФ-162-сон “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. 2023 йилдаги никоҳлар ва ажримлар статистикаси бўйича йиллик ҳисобот.
6. Abdurazzokovych S.N., Salimova Z.I. Demographic and Migration Processes in Central Asia and Their Impact on Uzbek Ethnogenesis // *Obrazovanie Nauka i Innovatsionnye Idei v Mire*. – 2024. – Vol. 55, no. 5. – Pp. 20-26.
7. Jabbarov U. Fathers’ roles within the family: tradition and transition // *Mental Enlightenment Scientific Methodological Journal*. – 2024. – Vol. 5, no. 07. – Pp. 84-95.
8. Namanovna A. The negative effect of population migration on the family environment // *Ilmiy Jurnallar Konferensiyasi*. – 2023.
9. Rashidova M.K., Buranova N.A. Family values a key factor in preserving traditions and identity // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. – 2025. – Vol. 6, no. 5. – Pp. 7-10.
10. Ruzimova N.M. Migratsiyaning oilaviy qadriyatlarga ta’siri: xalqaro va mahalliy tendensiyalar tahlili // *Central Asian Journal of Education and Innovation*. – 2025. – Vol. 4, Issue 7. – Pp. 137-144.
11. Ruzimova N.M. The concept of family values: theoretical foundations and their role in social life // *Oriental Journal of History, Politics and Law*. – 2025. – Pp. 166-177.
12. Ruzimova N.M. Yoshlar ongi va migratsiya jarayoni o’rtasidagi o’zaro bog’liqlik: konseptual yondashuvlar // *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*. – 2025. – Vol. 2, Issue 7. – Pp. 153-160.
13. UNESCO. Inclusive Societies Programme: Migration and cultural dialogue reports, 2021.